Мугаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў

ISSN 2181-7138

№ 1/1 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:
А. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:
Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Өсербай ӘЛЕЎОВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Асқарбай НИЯЗОВ
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕИТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДИЕВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

Шөлкемлестириўшилер:
Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў Министрлиги, ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жанындағы Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының 25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм хабар агентлиги тәрепинен 2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды №01-044-санлы гуўалық берилген.
Мәнзил: Нөкис қаласы, Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@umail.uz, mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz

Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Мугаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлыўматларға автор жуўапкер.

МАЗМУНЫ

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Рахмонов А.Р. Оилада фарзанд тарбиясини йўлга қўйиш асосида миллий ватанпарварлик туйғусини шакллантириш 4
Шерматов М.Н. Ўқитувчи педагогик маҳорати ва компетентлик 7
Якубова М.Ю. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни шакллантириш 11
Байметов М.М. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграциясини таъминлашнинг дидактик тамойиллари 14
Балтабоев С. А., Сатторов В.Н. Талабалар мустақил ишлашини илмий ташкил қилиш ... 18
Караев В.Ш., Маматқулова З.С. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини аниқлаш ва баҳолаш 21
Сайидова М.Х. Инновацион педагогик технологиялар асосида ўқитиш - талабаларда умумкасбий билим ва кўникмаларни ривожлантириш омили 25
Нурматов Ф.А. Таълимнинг мактаб тизимида валеологик тарбияни муаммолари 30
Турсунов А.Э. Ҳарбий таълим технологиясининг педагогик асослари 32
Халмухамедова М.А. Нақшбандия тариқати илмий мероси орқали талабаларнинг маънавиятини ошириш 36
Хамидов Ж.А. Ўқувчиларни креатив тадқиқотчилик ва касбий кўникмаларини танқидий фикрлаш орқали ривожлантириш 39
Чориев И.Р. Специфика процесса подготовки в современной системе повышения квалификации 44

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУҲЫЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Анкабаев Р.Т., Ибрагимов Х.Х. Тўғарак машғулотларида халқ амалий безак санъати ривожининг педагогик муаммолари тарихидан 48

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Абдуллаева М.С. Ўқувчилар касб – ҳунар кўникмаларини ривожлантиришда робототехниканинг ўрни 52
Лухманов Д.Б. Баркамол авлод болалар мактабларида робототехника, мехатроника, муҳандислик тўгаракларини кластер технологиялари асосида ташкил этиш 56

БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

Шермухамедов Р.С. “Баркамол авлод” болалар мактабларида тўгараклар фаолиятини ташкил этишнинг иновацион технологиялари 62
Юсупбаева А.С. Бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний ривожланишида ҳаракатли ўйинларни ташкил этиш 67

ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲӘМ СПОРТ

Sultonov Z.S. Maktabda jismoniy tarbiya darslarini o'tkazish xususiyatlari 72
Абдулахатов А.Р., Нигматуллаева Д.Р. Голиб ва мағлуб курашчилар мусобақа олди руҳий ҳолати ва техник-тактик маҳорат даражасининг ўзаро алоқадорлиги 75
Абдулахатов А.Р., Қулбулов Ф.Н. Спорт умуминсоний қадрият ҳамда тарбия воситаси сифатида 80
Болтаев Ш.Э. Ёш волейболчиларни инновацион ёндашув асосида машғулот жараёнини ташкил этиш 87
Худойберганов Ж.С. Кураш миллий спорт турини янада оммалаштириш ва ривожлантириш 92
Жумаев А.Т., Турдиев Ф.А. Бошланғич синф ўқувчиларида ҳаракатли ўйинларни кластер усулида олиб бориш 95
Зокиров У.М., Абдуназарова З.А. Актив ва пассив туризм турлари орқали ўқувчи-ёшларнинг жисмоний фаолиятларини ривожлантириш 100
Зокиров У.М., Назаров Ф.И. Ёш волейболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш 103
Абдулахатов А.Р., Зулхайдаров Ж.А. Профессионал футболчиларни жисмоний тайёргарлиги бўйича моделлаштириш меъёрлари 106
Одилов О.Н. Жисмоний тарбия таълими жараёнида талабаларда экологик маданиятни ривожлантириш ижтимоий-педагогик зарурият 110
Султонов А.И. Йиллик тайёргарлик циклида эркин курашчиларни машғулот жараёнини ташкил этиш 114
Умаралиева Д.У., Тошқувватов О.А. Умумий ўрта таълим мактабининг 7-8 синф ўқувчиларини спорт ўйинлари орқали жисмоний тайёргарликларини ривожлантириш .. 118
Хабибуллаев С.Х., Джурабоева Д. Мини футбол бўйича мусобақаларни ўтказишда мусобақа қоидаларининг аҳамияти 122
Шадиев А.Ё. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг тезкор-куч сифатларини амалиётга татбиқ этиш 125
Утепбергенов А.К., Шукурллаев Ж.М. Волейбол спорт тури воситасида мактаб ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришда акмеологик ёндашув 128
Зуфаров Т.У. Организация и методы подвижных игр для физического развития детей дошкольного возраста 132
Маматкулов Р.С. Значение кластерного метода в развитии физического воспитания студентов с использованием легкоатлетических упражнений 136
Маматкулов Р.С. Значение спортивно-оздоровительного кластера в подготовительной части уроках гимнастики 140

ТАЪЛИМНИНГ МАКТАБ ТИЗИМИДА ВАЛЕОЛОГИК ТАРБИЯНИ МУАММОЛАРИ

Нурматов Ф.А.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти "Спорт ва чақириққача ҳарбий таълим" факультети "Жисмоний маданият" кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: соғлиқни сақлаш, технология, таълим жараёни, гипокинезия, валеология, соғлом турмуш тарзи, мониторинг.

Ключевые слова: здоровье сберегающая, технология, образовательный процесс, гипокинезия, валелогия, здоровый образ жизни, мониторинг.

Key words: health, technology, educational process, hypokinesia, valeology, healthy lifestyle, monitoring.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач таълим тизимида кўплаб ўзгаришлар амалга оширилди. Кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш тизими такомиллаштирилди. Ўқув жараёнига инновацион педагогик технологияларни тадбиқ этиш шароитлари яратилди.

Мактаб таълим тизимига янги педагогик жараёнларни тадбиқ этиш натижасида соғлиқни сақлашга қаратилган технологиялар тиббий фанлар қамровидан чиқиб, таълим сферасида намоён бўлиб ўз ўрнини топди. Педагогик валеология ўқув жараёнида ўзини магистрал йўналишини аниқлаб "даволаш жисмоний мадания" ва "гигиеник тарбия" анъаналари асосида ўсиб келаётган ёш авлодни соғлиғини мустаҳкамлаш борасида ўзини ижодий фаоллигини бошлаб берди. Хозирги замон жисмоний тарбия назарияси ва амалиётида соғлом турмуш тарзи мухим ахамият касб этади. Лекин ушбу педагогик жараёнда нисбатан ёш бўлган соха ўрганилмаган кўплаб муаммоларни кенг кўламлилигини исботлаб бермоқда.

Жисмоний маданият факультетининг педагогик муаммоси мактаб ўқувчилари контингентларини саломатлиги борасида жавобгарликни ўз зиммаларига олиб узоқ йиллар давомида илмий-амалиёт фаолиятини олиб бормоқдалар. "Жисмоний маданият назарияси ва услубиёти" кафедраси мактаб ўқувчи ёшларини соғлом турмуш тарзи муаммолари борасида кўп йиллардан буён илмий изланиш ишларини олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси таълим вазирлигини грант топшириқларини бажариш жараёнида мактаб ўқувчи ёшларини соғлом турмуш тарзи (СТТ) шароитлари ва уни шакллантириш йўллари кўп маротаба мухокама қилиниб, мактаб ўқувчи ёшларини жисмоний ривожланганлиги ва ҳаракат тайёргарлиги ҳамда унга регионал факторларни таъсири шароитлари аниқланди. Мактаб ўқувчи ёшларини СТТ шакллантиришда жисмоний маданият етакчи роль ўйнайди. Юқоридаги фикрларга асосланиб мактаб оммавий спортни янада фаоллаштиришда жисмоний маданият воситаларидан фойдаланиб инновацион педагогик технологияларни самарали усулларини излаб топишни тақазо қилади. Синов изланиш жараёнлари мактаб ёшидаги ўқувчиларни ёш ва жинси категорияларида олиб борилганда жисмоний-соғломлаштиришни жонлантириш эски тизим ва услублар кутилган натижаларни бермаётганини кўрсатмоқда. Биз томондан кўтарилган муаммо шуни кўрсатадики, педагогик жараён камлиги мактаб ўқувчиларини жисмоний маданият билан шуғулланиши ўқув дастурида белгиланган талаб ва нормативларни бажаришга йўналтирилганлигини кўрсатди холос. Кўплаб тадқиқотчиларни фикрига кўра олинган бахолаш меъёрлари узоқ вақт қизиқтириш фактори бўлиб хизмат қила олмайди. Чунки ўқувчини соғломлаштирувчи восита

сифатида ўзини оқламайди. Ўқувчида ўз соғлиги хақида онгли қайғуриш ва ёндашиш хиссини уйғотмайди. Мактаб ўқувчи ёшлари ўртасида олиб борилган ижтимоий изланишлар шуни кўрсатдики 60 % дан ортиғи ўзини СТТ йўлга қўйишда қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатган бўлса, атига 4% сўровнома иштирокчиси ўзини соғлиги даражаси яхши холатда деб хисоблайдилар. Маълумки хозирги илмий техника прогресси даврида организмни ривожланиш факторини асосий салбий ҳолати бу организмни гиподинамияси 53 %. Мактаб контингентларини харакат фаоллигини етишмаслигини сабаби жисмоний маданият билан етарлича шуғулланмаслиги, чунки мактаб ўқув режаларида ҳафтасига икки соат қилиб белгиланиши ва бу эса ўқувчи ёшларни гипокинез муаммоларини ҳал этиш учун етарли эмас.

Жисмоний маданият дарсларини амалий қисмлари мавзуларини таҳлили жараёнида ўқувчи ёшларни соғлом турмуш тарзи ҳамда оммавий спорти аҳамиятини тарғиб этувчи ва тушунтирувчи бўлим мавжуд эмаслиги маълум бўлди.

Табиийки ўқитувчиларни педагогик жамоасини ўзларини дарсларида соғлиқни сақлаш технологияларини жисмоний маданият воситалари орқали ўргатишни олиб бориш курсларида ўқиб ўсиб келаётган ёш авлод билан ишлаш хуқуқини берувчи аттестацияда ўтказиш масаласини қўяди. Мактаб таълим тизимида педагогик жараённи моделлаштириш аста секин соғлиқни сақлаш технологияларини тадбиқ этиш уни кундалик хаёт тарзига айлантириш, мактаб таълим тизимида валеологик тарбия билимлари асослари ўрнини ошириш, мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбияси соҳасида илмий изланиш ишларини самарадорлигини ошириш ва муаммоларини ечими устида олиб борилаётган ишларни жонлантириш зарур.

Валеологик таълимни асосий йўналиши-билимларни шакллантириш инсон соғлиғини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш билим ва кўникмаларни бойитиб боришдан иборат. Санаб ўтилган валеология функциялари мактаб муҳитида кетма-кетлик билан бутун ўқув жараёни мабайнида кўриб ўрганиб борилиши зарур.

Мактаб ўқувчиларни ҳаёт фаолиятларини валеологик принципларини ташкил қилиш қуйидагилар билан белгилаш мумкин.

1. Инсонни СТТ тизимли шакллантириш- инсон бутун объект.

2. Умумий ва валеологик-экологик таълим тарбияни бирлиги ва умумий тарбия билан мутаносиблиги.

3. Шахсни ижтимоий-фаол позицияси ва уни мақсади ўзи ҳохлаганлиги.

4. Олинган маълумотларни ўзлаштириш валеологик билим ва кўникмаларни тадбиқ қила олиш.

Соғлиқни сақлаш шароитини таъминлаб валеологик таълим принципларига амал қилиб, педагогик жараёнда уни кенгайтириш ва чуқурлаштириш билан ўқувчиларни валеологик таълимларини асосий вазифаларини ечимини топиш мумкин.

1. Соғлиққа эхтиёжни тарбиялаш.

2. СТТни илмий тушуниб етиш.

3. Жисмоний баркамолликни доимий ривожлантириб бориш ва уни ривожлантириш эхтиёжини сингдириш.

4. Жисмоний соғломлаштириш дарсларида ўз-ўзини назорат қилиш, жисмоний ривожланганликни бахолай билишни ўрганиш.

5. Шахсни валеологик маданиятини шакллантириш.

Мактаб ўқувчиларини валеологик таълим модели ўз ичига 4 та асосий шартларни олиши керак.

1. Мактабда педагогик жараённи ташкил қилишда санитар гигиеник талаб ва қоидаларига амал қилиш.

2. Мактабда жисмоний соғломлаштириш ишларини бутун ўқувчи ва ўқитувчилар таркиби учун ташкиллаш.

3. Тиббий кўрик ва консультация профилактикасини ўтказиш.

4. Ўқувчиларни жисмоний ривожланганлиги ва харакат тайёргарлиги маълумотлар банкини яратиш, хар йили мониторинг қилиб бориш ва уларни қиёслаб ўзгариш динамикасини ўқув йили бўйича тадқиқот олиб бориш.

5. Дам олишни тўғри ва соғлом ташкиллаш.

Ўқув жараёнида валеологик тарбия педагогик фаолиятни таълим-тарбия методлари билан узвий боғлаб олиб бориши лозим.

Талаба ёшларни саломатлик даражасини ошириш ва уларни олдига қўйилган вазифаларни уларни соғлиқ потенциаллари орқали амалга оширилади. Бунда:

- Жисмоний соғломлаштириш ишларини ташкиллаш масалаларида махсус адабиётларни ўрганиб чиқиш.
- соғломлаштирувчи жисмоний машқлар мажмуасини тўғри тузишни билиш;
- оммавий-спорт тадбирларини ташкил қилишда соғлом турмуш тарзини омма орасида тарғиботни мақсад қилиш;
- мактаб ўқувчиларини ҳаракат тайёргарлиги ва функционал ҳолати ҳамда жисмонан ривожланганлигини, соғлиғини мониторингини мунтазам юритиб боришга эътибор бериш лозим.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев А.А., Ханкельдиев Ш.Х Жисмоний маданият назарияси ва методикаси. Фарғона 2015. 432 б

2. Матрос Л.Г. Социальные аспекты проблемы здоровья. –Новасибирск. Наука. 2002-159 с.

3. Расулов Р. М. Совершенсвование внеклассной раборы по физическому воспитанию в сельких общеобразовательных

4. Ханкельдиев Ш.Х. Физический статус учащейся молодежи. Монография. Ташкент-2018-342с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мактаб таълими тизимидаги умумий ўрта таълим муассасалари мактаб контингентларининг ўқув жараёнидаги педагогик соғлиқни сақлаш технологияларини назарий асослаш натижалари келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье изложены результаты теоретического обоснования педагогической здоровье сберегающей технологии в учебном процессе школьных контингентов общеобразовательных учебных заведений школьной системы образования.

SUMMARY

In this article it is presented the results of the theoretical substantiation of health-related technologies in the educational process of school contingents of general secondary education institutions in the school education system.

ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Турсунов А.Э.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти "Спорт ва чақириққача ҳарбий таълим" факультети "Жисмоний маданият" кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: ҳарбий, технология, педагогика, ҳарбий машғулот, инновация.

Ключевые слова: военное дело, технологии, педагогика, военная подготовка, инновации.

Key words: military, technology, pedagogy, military training, innovation.

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар стратегиясини туб моҳиятини чуқур англаган ҳолда, армиямиз сафига ватан ҳимоячиларимизни тайёрлашда ўқитишнинг таълим технологияларидан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Республикамизда ҳарбий кадрларни тайёрлаш сифатини яхшилаш мақсадида кадрларни ўқитиш жараёнида педагогик технологияларни ҳарбий таълим жараёнига тадбиқ этилишига ҳам кундан- кун эҳтиёж ошиб бормоқда.

Ҳарбий машғулотларни олиб боришдаги таълим бериш ҳам худди бошқа соҳа фанларидаги каби таълим жараёни (машғулот раҳбарининг фаолияти) ва ўзлаштириш жараёни (курсант, фаолияти)дан иборат иборат бўлади.

Талаба курсантларнин сўзлаштириш жараёнидаги фаолиятлари билим, малакаларни ва кўникмаларни эгаллашдан иборат бўлиб, таълим жараёни эса тарбия жараёни билан чамбарчарс боғланган ҳолда амалга оширилади.

Ҳарбий таълим бериш бўйича педагогик ва инновацион технологияларни қўллашда машғулотларнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиниши мухим шартлардан бири хисобланади.

Бундан буён бу борадаги ишларни ривожлантириш ва мавжуд таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ҳарбий кадрлар тайёрлаш бўйича ўқув дастурларни таълимни технологиялаштириш нуқтаи-назаридан янада такомиллаштириш соҳа мутахасисларининг олдидаги муҳим ва долзарб масалалардан бири бўлиб қолиши табиийдир.

Ҳарбий машғулотлар назарий, амалий, кўргазмали, тактик, тактик саф, назорат шаклларида ўқитилиши ва уларнинг аксарият қисми амалий бўлиб Ўзбекистон Республикасинин Қуролли Кучлари низомларининг талаблари асосида олиб борилиши, отиш тайёргарликлари бўйича машғулотлари ўқув ва жанговар қуроллар билан ишлаш бўйича кўрсатма ва йўриқномаларга амал қилиниши, машғулотларнинг аксарият қисми, ўқув-моддий база билан чамбарчарс боғлиқлиги, ҳарбий таълим машғулотларининг ўзига ҳос томонлари бўлиб ҳисобланади.

Бундай ҳулоса ҳарбий таълим машғулотларда янги педагогик инновацион технологияларни қўлланиши кутилганидек яхши самара бермайди дегани эмас.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир машғулот раҳбари тавсия этилган технологияларни самара берадиганини танлай олиши, ўрганувчиларнинг фаоллигини оширишда таълим шаклларининг самарали ва тежамлилигини қўллай олиши ҳамда машғулот раҳбарининг педагогик маҳорати, айниқса машғулотга тайёргарлик жараёнига ижодий ёндашуви муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада машғулот раҳбарининг ҳарбийча машғулотларнинг ўзига ҳос принципларидан оғишмаган ҳолда ўз фаолиятига танқидий қараши, таълим беришнинг илғор янги услубларини қўллашда орттирилган тажрибаларга таяниши мақсадга мувофиқ балади.

Машғулот раҳбарига эндиликда машғулотларни юқори даражада ташкил этиш ва олиб бориш учун илғор педагогик инновацион технологияларни мантиқий тўғри жорий эта олиши, технологиялаштиришжараёнида фактларни таҳлил қилиши, умумлаштириш ва шу асосда хулоса чиқара олишларига, шунингдек касбий малакавий талабларга оғишмай бўйсунушига тўғри келади.

Педагогикага оид адабиётларнинг тахлилига кўра, хозирги даврда педагогик технология тушунчаси таълим амалиёти ва назарияси илмидан мустахкам ўрин эгаллади.

Ҳарбий таълимни ўқитилиши жараёни мантиқий кетма-кетлик билан аниқ амалга оширилади. Кетма-кетлик қуйдаги босқичлардан иборат: курсантлар олдига топшириқ қўйиш; курсантларда билимга бўлган қизиқишни ҳосил қилиш; курсант-

лар томонидан янги материални қабул қилиниши; қабул қилинган материални таҳлил қилиш, умумлаштириш; илмий тушунчаларни ҳосил қилиш; қонунларни ўзлаштириш; эгаллаган билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш; малака ва кўникмаларни шакллантириш; билим, малака ва кўникмаларни қўллаш; курсантлар эгаллаган билим, малака ва кўникмаларни текшириш; таълим бериш натижаларини таҳлил қилиш.

Бу кетма-кетлик ўқитиш жараёнини лойихалаштирилган холда изчил ва мунтазам ташкил этиш деб талқин қилинишини инкор этмайди.

Ҳарбий талим беришда инновацион технологияларни жорий қилиниши бир тарафдан таълим берувчи (ўқитиш), бошқа тарафдан эса таълим олувчи (ўқиш) ларни ўзаро чамбарчас боғланишини янада мустаҳкамлайди ва томонларнинг билим беришидаги ва билим олишидаги фаолиятларини фаоллаштириб ижодий муҳитни юзага келтиради деган ҳулосага келиш асослидир.

Ҳозирги кунда таълим муассасасининг туридан қаътиийназар машғулот раҳбарининг инновацион фаолияти, таълим муассасаси педагогикасининг бош муаммоларидан биридир.

Шу жиҳатдан таълим муассасаси ўқитувчиси инновацион фаолиятининг шаклланиш концепцияси, инновациянинг ижтимоий-маданий ва ҳаёт-фаолияти аспектлари хақида баҳслар юритилиб келинган ва келинмоқда.

Янги педагогик инновацион технологияларни ҳарбий таълим машғулотларини ташкил этишда ва ўтказишда ҳам инновацион ёндашув масаласи ҳали машғулотларини тўлиқ қамраб олганича йўқ.

Ҳарбий таълим тизимида педагогик инновацион технологияларни жорий этилиши қуйдаги вазифларни бажарилишини тақазо этилади.

- ҳарбий таълим машғулотларида педагогик инновацион технологияларни қўлланишига доир методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- машғулотларда педагогик инновацион технологияларни қўлланишига доир тажрибаларни ўрганиш;
- ҳарбий таълим ва бошқа фанлар машғулотларида педагогик инновацион технологияларни жорий этишда машғулотларнинг шакл ва услубларини янги педагогик инновацион технологиялар асосида ўрганиш;
- педагогик инновацион технологиялар тушунчаси, мазмуни ва моҳиятини аниқлаш;
- машғулотларда педагогик технологияларни қўллашда инновацион ёндашувнинг шарт-шароитларини аниқлаш;

Инновацион ўқитиш орқали қуйдаги натижаларни кўзда тутилиши мақсадга мувофиқ балади.

- педагогик технологиялар қўлланишида инновацион ёндашув андозаси ва мезонларини ишлаб чиқиш;
- ҳарбий таълим машғулотларида педагогик технологиялар қўлланишида инновацион ёндашувга доир илмий методик тавсиялар ишлаб чиқиш.
- педагогик технологиялар қўлланишида инновацион ёндашув методик муаммо сифатида илмий – назарий ва амалий жиҳатдан ҳарбий таълим машғулотларига илк бора тадқиқ этилади;

– «инновацион ёндашув» янги ўқитиш технологияси сифатида ҳарбий таълим машғулотларини ташкил этиш ва олиб бориш истеъмолига киритилади;
– «инновацион ёндашув» тушунчаси методик жиҳатдан тасниф этилади;
– ҳарбий таълим машғулотларини олиб борилишида инновацион ёндашувни жорий қилишнинг мазмуни, шакл ва услублари ишлаб чиқилади.

Ҳулоса қилиб айтилганда технологиялаштиришнинг янгидан - янги усуллари илмий - техник тараққиёт ишлаб чиқариш соҳаси билангина чекланиб қолмай, таълимнинг барча соҳаларига ҳам кириб келиши, ахборотлар ҳажмининг кескин кўпайиши, фан ва техника тараққиётининг кескин ўсиши, айниқса рақибни аниқлаш тизими масофадан автоматик бошқарилувчи датчиклар, ретрансляторлар ва ахборотни қайта ишлаш марказлари жиҳозланиб бўлган бир даврдаҳарбий таълим тизимини асосий ҳалқаси бўлган машғулотни мазмунан ислоҳ қилиш ҳамда машғулот раҳбарининг фаолиятини юксак даражада такомиллаштириб бориш зарурияти янада долзарб аҳамият касб этиб турибди.

Адабиётлар:

1.Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш хамда ўзбекистон республикаси қуролли кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июндаги ПҚ-4375-сон қарори.

2.5111500 – Чақириққача ҳарбий таълим бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари.2018 й.

3.Сотволдиев А.Ю. «Пути реализации требований к подготовке офицеров запаса на военных кафедрах» Статья принята к публикации в номер «5 (6)» 2017 года журнала «Вопросы науки и образования». Свидетельство регистрации СМИ ЭЛ № ФС 77 - 65699 от 13.05.2016 г.

4.Сотволдиев А.Ю. «Пути реализации требований к подготовке офицеров запаса на военных кафедрах». Вопросы науки и образования № 5 (6), 2017. Научно-теоретический электронный журнал.

5.Сотволдиев А.Ю. «Особенности учебно - воспитательного процесса на факультетах военного обучения». Проблемы педагогики. Свидетельство роскомнадзора о регистрации СМИ ПИ № ФС 77 - 60219 ОТ 17.12.2014 г. ISSN 2410-2881 Статья принята к публикации в журнал № 2 (34), 2018 год. Территория распространения: Российская Федерация, зарубежные страны. Сайт журнала:ttps://problemspedagogy.ru

6. Сотволдиев А.Ю. Пути эффективного использования метода беседы и наглядных методов на занятиях военного образования. Наука, техника и образование 2019.№4(57) Российский импакт-фактор:1,84 Научно-методический журнал.

7.А.Ю. «Организация и значения самостоятельных работ студентов, обучающихся на факультетах военного образования».№ вно-3524 от «12» апреля 2019 г. Вестник науки и образования. Свидетельство роскомнадзора о регистрации сми пи № фс77-50633 от 14 марта 2014 г. issn 2312-8089.

7.Сотволдиев А.Ю. Некоторые вопросы взаимной интеграции принципов модульной технологии обучения и дидактических принципов военного образования // Проблемы современной науки и образования. Москва, 2020. №4 (149). Часть 2.

8.Сотволдиев А. Ҳарбий таълимда кейс стадини адаптациялашнинг айрим масалалари. ТДПУ “Педагогика журнали” 2/2017, Б. 67-71.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада ҳарбий билим юртлари ўқитувчиларнинг ва курсантларнинг ҳарбий таълим технологиясининг педагогик асослари бўйича маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлена информация о педагогических основах технологии военного воспитания преподавателей и курсантов военных училищ.

SUMMARY

This article provides information on the pedagogical basis of military education technology for teachers and cadets of military schools.

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық
илим-изертлеў институтының Ж. Орынбаев атындағы
Қарақалпақстан филиалы

«МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ» № 1/1
Нөкис — 2022

Басып шығыўға жуўапкер:
А. Тилегенов

Баспаға таярлаған:
А. Тилегенов, Н. Абдукаримов

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди 17.02.2022. Форматы 60x84 1/16
«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.
Шәртли б.т. Нашр. т. Нусқасы 2000. Буйыртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.
Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро, 51